

УЎК: 336.7+338(575.1)

<https://dx.doi.org/10.36522/2181-9637-2019-6-4>

КОРХОНАЛАРНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИГИГА СОЛИҚ МЕХАНИЗМИНИНГ ТАЪСИРИ

Эргашев Рустам Ражабович

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги
Бюджет сиёсати ва солиқ тизимини ривожлантириш бўлими етакчи мутахассиси

Аннотация. Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, барқарор иқтисодий ўсишига эришиши, аҳоли даромадларининг ошиши, турмуш шароитининг яхшиланиши инвестицияларнинг ҳажми ва фаоллигига бевосита боғлиқ. Жаҳонда мамлакатлар ўз миллий иқтисодиётига инвестиция маблағларини жалб этишининг жозибador муҳитини шакллантиришига қаратилган сиёсатни мунтазам амалга ошириб бормоқдалар. Корхоналарнинг инвестицион фаоллигига солиқ имтиёзлари ва солиқ юқининг таъсири молиявий аҳамиятга эга бўлиб, давлатлар томонидан амалга ошириладиган самарали солиқ ислохотлари инвестицияларни рағбатлантиришига хизмат қилади. Мазкур мақолада инвестициялар фаоллигини оширишига солиқ механизмининг таъсири ва солиқлар воситасида рағбатлантириши йўллари танқидий таҳлил қилинган. Бунда корхоналар томонидан тўланадиган солиқларнинг корхона харажатларига таъсири, мамлакатга киритилаётган инвестициялар миқдори, корхоналарнинг инвестицион фаоллигига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар эконометрик усуллар орқали ўрганилган. Жумладан, ўтказилган таҳлилларда асосий фаолияти ишлаб чиқариши бўлган ва инвестициялар иштирокидаги корхоналар маълумотларига асосан регрессион ва корреляцион усуллардан фойдаланилган ҳолда натижалар олинди. Бунда корхоналар томонидан тўланган солиқлар корхоналарнинг жами харажатларига таъсири юқори даражада эканлиги аниқланди. Шунингдек, республикада бюджетнинг солиқ даромадлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан таҳлил қилинганда, тескари боғлиқлик, яъни солиқ даромадлари камайганда, инвестициялар ҳажми ошганлиги кузатилди. Тадқиқот натижасида инвестицион фаолликни рағбатлантириши билан бир вақтда бюджет барқарорлигини таъминлаш мақсадида солиқ кодексига солиқ кредити амалиётини жорий этиши, мамлакатда хуфёна (яширин) иқтисодиёт ҳажминини камайитириши, асосан, инновацияларга киритиладиган инвестицияларни рағбатлантиришини кучайтириши, солиқ ҳисоботи шакллари соддалаштириши таклифлари ишлаб чиқилди.

Таянч тушунчалар: солиқ, солиқ имтиёзлари, преференциялар, инвестиция, инвестицион фаоллик, инновация.

ВЛИЯНИЕ НАЛОГОВОГО МЕХАНИЗМА НА ИНВЕСТИЦИОННУЮ АКТИВНОСТЬ ПРЕДПРИЯТИЙ

Эргашев Рустам Ражабович

ведущий специалист Отдела по развитию бюджетной политики и системы
налогообложения Министерства инновационного развития Республики Узбекистан

Аннотация. Социально-экономическое развитие страны, достижение устойчивого экономического роста, рост доходов и улучшение условий жизни зависят от объема и активности инвестиций. Страны по всему миру последовательно проводят политику, направленную на создание привлекательного инвестиционного климата в национальной экономике. Влияние налоговых льгот и налогового бремени на инвестиционную активность предприятий имеет финансовое значение, а эффективные налоговые реформы, проводимые государствами, будут стимулировать инвестиции. В этой статье критически анализируется влияние механизма налогообложения на инвестиционную деятельность и способы стимулирования

налоговых льгот. В то же время с помощью эконометрических методов было изучено влияние налогов на предприятия и их издержки, объем инвестиций в страну и факторы, негативно влияющие на инвестиционную активность предприятий. Результаты получены с использованием методов регрессии и корреляции на основе данных предприятий. В то же время установлено, что налоги, уплачиваемые предприятиями, сильно зависят от общих расходов предприятий. Это означает, что уплаченные налоги оказывают существенное влияние на затраты предприятия. В то же время при анализе налоговых поступлений по отношению к валовому внутреннему продукту наблюдается отрицательная корреляция, то есть увеличение объема инвестиций с уменьшением налоговых поступлений. В результате исследования были разработаны предложения по усилению инвестиционных стимулов, в основном для инноваций, внедрению практики налогового кредитования в Налоговом кодексе для обеспечения устойчивости бюджета при стимулировании инвестиционной деятельности, упрощению форм налоговой отчетности и сокращению объема теневой экономики в стране. В связи с этим, рекомендации, представленные в этой статье, основаны на анализе и лучшей международной практике и могут быть реализованы в процессе налоговой реформы.

Ключевые слова: налог, налоговые льготы, преференции, инвестиции, инвестиционная активность, инновация.

THE EFFECT OF TAX MECHANISM ON THE INVESTMENT ACTIVITY OF COMPANIES

Ergashev Rustam Rajabovich

Leading specialist, Department of Budget Policy and Tax System Development at the Ministry of Innovative Development of the Republic of Uzbekistan

Abstract. *The socio-economic development of the country, sustainable economic growth, income growth and improvement of living conditions depend on the investment volume and activity. Developing countries adopt policies aimed at creating an attractive investment climate in the national economy. The impact of tax incentives and tax burdens on the investment activity of enterprises is of financial importance since the effective tax reforms carried out by states will encourage investment. The article reviews the impact of the taxation mechanism on investment activities and ways to stimulate tax benefits. The effect of taxes on enterprise costs, the volume of investments in the country, and factors negatively affecting the investment activity of the enterprises have been studied on the basis of the econometric method. The results were obtained using regression and correlation methods based on enterprise data. At the same time, it was established that taxes paid by enterprises are highly dependent on the total expenses of enterprises. This means that taxes paid have a significant impact on the costs of the enterprise. When analyzing tax revenues in relation to the gross domestic product, a negative correlation is observed, that is, increasing investment due to the fall in tax revenues. As a result of the study, proposals were developed to strengthen the investment incentives, mainly for innovation, introduction of tax credit practices in the Tax Code to ensure budget stability while stimulating investment, simplifying tax reporting and reducing the size of the shadow economy in the country. The recommendations presented in the article are based on the analysis and international best practices that can be implemented in the process of tax reform.*

Keywords: tax, tax incentives, preferences, investment, investment activity, innovation.

Қирши

Инвестиция муҳити ҳукуматнинг солиқ сиёсати ҳамда пул муомалалари, шунингдек, мазкур йўналишлардаги тўсиқ ва чегаралар бор-йўқлиги билан белгиланади. Солиқ тўзималари фақатгина имтиёзли гуруҳларга фойда келтирса, бу рақобатни бузади ҳамда бошқаларга юқори солиқ юкини оширади.

Шунингдек, солиқ маъмуриятчилигининг солиқ тўловчилар учун жуда мураккаблашиши, бозорда нархлар келишувчанлиги ошиши, даромадлар камайиши ва коррупциянинг авж олишига йўл очиб беради.

Солиқ маъмуриятчилигининг ҳаддан ташқари мураккаблиги, коррупциялашганлиги, имтиёз ва рағбатлантиришларнинг заиф-

лиги, бюрократизмнинг кучлилиги, солиқни яширишга шароитларнинг мавжудлиги билан инвестицияларни жалб қилиб бўлмайди.

Инвестициялар ҳар қандай давлат иқтисодиёти учун долзарб аҳамият касб этади. Шу боис жаҳондаги барча ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўзаро глобал рақобат майдонида инвестицияларни жалб этишнинг турли усулларида фойдаланиб келмоқда. Инвестицияларнинг фаоллиги эса айнан солиқ тизимининг қанчалик самарали ташкил этилганлигига бевосита боғлиқдир.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, ишбилармонлик ва инвестициявий фаолликни ошириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш мақсадида солиқ сиёсати тубдан такомиллаштирилоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги 5468-сонли фармони билан Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилинди. Бундан ташқари, хорижий инвестициялар учун инвесторларга қатор имтиёз ва преференциялар «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ҳамда «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги ва бошқа Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари билан мустақамлаб қўйилган [1, 2, 3].

Республикамизда бугунги кунда корхоналарнинг инвестицион фаоллигини ошириш бўйича бир қанча имкониятлар яратиб берилган бўлса-да, мазкур йўналишда бартараф этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам мавжуд.

Мавзунинг долзарблиги ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот олдига корхоналар инвестицион фаоллигининг назарий жиҳатларини ўрганиш, корхоналарнинг солиққа оид муаммоларини таҳлил қилиш, корхоналар инвестицион фаоллигига солиқ механизмнинг ролини аниқлаш ва корхоналарнинг инвестицион фаоллигини рағбатлантиришда солиқ тизимининг таъсирчанлигини оширишга қаратилган амалий тавсияларни ишлаб чиқиш каби вазифалар қўйилди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Инвестицияларга солиқ механизмлари-

нинг таъсири ҳамда инвестицияларни солиқ имтиёзлари ва преференциялар орқали рағбатлантириш бўйича олимлар томонидан бир қанча илмий ишлар олиб борилган.

Жумладан, Суррей ўз тадқиқотида жаҳонда инвестиция учун давлатлар ўртасида катта рақобат майдони мавжуд бўлиб, мамлакатлар турли хил рағбатлантиришлар ҳисобига ўз ерларига капитал ва асосий воситалар кириши учун шароит ва имкониятлар яратиб бериши, ушбу мақсадда рақобатга киришган давлатлар учун солиқ имтиёзларини қўллаш инвестицияларни жалб этишда энг кўзга кўринадиган ва мослашувчан дастак бўлиб хизмат қилишини айтиб ўтган [4].

Сайнвинс мамлакатнинг паст даражадаги иқтисодий ривожланиши ҳамда инвестиция ўсишининг кучсизлигига солиқ юкининг баландлиги ва солиқ тизимининг самарасиз ташкил этилганлиги сабаб бўлишини исботлаб берган [5].

Абусалидзе солиқ юкининг пасайтирилиши бюджет даромадлари камайиши ва шу билан бирга, иқтисодий фаолликни рағбатлантиришга хизмат қилишини аниқлаб берган бўлса, [6] Нюта ўз тадқиқотида солиқлар ошиши хусусий тадбиркорларнинг ишлаб чиқариш фаолиятлари учун маблағлари камайиши ҳамда ишлаш, жамғариш ва инвестицияларга бўлган рағбатлантиришларни сўндиришини айтиб ўтган [7]. Аммо олимларнинг мазкур фикрларини барча давлатларда ҳам бир хил иқтисодий аҳамиятга эга деб бўлмайди. Чунки Дания қиролигида солиқ юки 40 фоиздан ортиқ бўлса-да, аҳолининг турмуш тарзи ва бизнес муҳитига салбий таъсир кўрсатмаётганлигидан юқоридаги фикрлар кўпроқ ривожланаётган мамлакатларга мос келади, десак тўғрироқ бўлади.

Шунингдек, Арнольд хилма-хил солиқ турларининг кўплиги солиқлардаги фарқлар катта бўлишига сабаб бўлиши ва самарасиз солиққа тортишга сабаб ҳам айнан солиққа тортилган база бўлиши мумкинлиги, шунинг учун ҳам режалаштирилган ва солиқ базасини кенгайтиришга хизмат қиладиган солиқ сиёсатини қўллаш мамлакатлар учун жуда муҳимлигини таъкидлаган [8]. Мазкур фикрлар бугунги солиқ ислохотлари жадал суръатларда амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Рамрез Мексика метрополитенига инвестиция киритилиши бўйича олиб борган тадқиқотида солиқ ставкалари ва солиқларнинг ўзгарувчанлиги инвестицияларга жуда сезиларли таъсир кўрсатишини панел маълумотларидан фойдаланган ҳолда эконометрик усуллар билан регрессион таҳлиллар асосида кўрсатиб берган [9]. Шунингдек, у ўз эконометрик таҳлиллари асосида солиқлар инвестиция қарорларига бевосита таъсир кўрсатишини аниқлаган. Бундан ташқари, тадқиқотда инвестицияларнинг кўпайиши айтилиши инвестиция киритилган корхона томонидан таклиф этиладиган ишлаб чиқарилган товар ёки хизматлар нархининг қандай бўлишига ҳам боғлиқлиги, нархлар эса солиқ ставкаларига алоқадор эканлиги исботлаб берилган. Аммо Рамрез мазкур тадқиқотда солиқ ставкаларидан берилган имтиёзлар ҳисобига нархларнинг пасайиши монополь корхоналарга қанчалик йўл очиб беришини ўрганмаган. Чунки, фикримизча, инвестициялар оқимини кучайтириш мақсадида инвестиция киритадиган корхоналарга алоҳида солиқ имтиёзлари берилиши монополь корхоналар пайдо бўлиш эҳтимолидан холи эмас.

Таъкидлаш жоизки, корхоналарнинг инвестицион фаоллигини солиқлар воситасида рағбатлантириш имтиёз ёки преференция

шаклида бўлиши мумкин. Аммо солиқ имтиёзларини беришда кучли таҳлил ва ҳар томонлама ўйланган ҳулосаларга асосланиш керак. Бунда Тюринанинг фикрлари ҳам эътиборга молик бўлиб, у ўз тадқиқотида Россия Федерацияси солиқ тизимида 200 хил турли имтиёз ва преференциялар мавжудлиги, ҳақиқатда эса уларнинг кўпчилиги кам самара бераётганлиги, иқтисодиёт ва бюджет тизимига зарар келтираётганлигини айтиб ўтган ҳамда турли хил имтиёзлар қўлланилгани учун солиқларнинг 45-55 фоиз тўловлари олинмаётганлиги сабабли Россия Федерациясидаги солиқ имтиёзларининг самарадорлигини кузатиш ва текширишни долзарб масала деб топган [10].

Шунингдек, Тюрина солиқ имтиёзлари ижтимоий-иқтисодий натижа бериши, солиқ тўловчилар фаолиятини рағбатлантириши, ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши, янги иш ўринлари яратилиши ва инвестиция жалб этишига хизмат қилишини таъкидлаган. Бироқ Тюрина солиқ имтиёзлари Россия Федерациясида йиллар кесимида давлатнинг даромадлари пасайишига олиб келганлигини айтган бўлса-да, муаммонинг ечимини кўрсатмаган, қайси имтиёзлар улуши бюджет тақчиллигига сабаб бўлаётганлиги ва айтилиши қайси имтиёзлар юқорида қайд этилган 5 та мақсадга хизмат қилмаётганлигига эътибор қаратмаган.

Жадвал

«А» ва «В» корхоналарнинг тўлаган солиқ суммаси ва жами харажатлари (сўмда)

№	Йиллар	Тўланган солиқ суммаси	Корхонанинг жами харажатлари
1	2010	5 158 630,51	206 475 006,35
	2011	29 445 795,53	3 698 486 390,56
	2012	54 450 406,11	22 360 627 399,12
	2013	67 000 775,37	25 052 259 735,51
	2014	186 764 313,44	31 690 983 556,33
	2015	131 488 400,00	33 131 390 710,78
	2016	116 840 994,97	19 203 787 146,1
2	2017	248 158 860,72	55 487 223 868,2
	2014	26 008 911,28	582 432 790,00
	2015	24 948 785,54	1 205 023 474,00
	2016	31 861 471,75	4 618 252 958,0
	2017	142 912 038,09	3 383 861 850,00

Манба: Муаллиф томонидан корхоналар тақдим этган маълумотлар асосида тайёрланди ва корхона номлари шартли равишда ўзгартирилди.

Регрессионная статистика					
Множественный R		0,828372913			
R-квадрат		0,686201684			
Нормированный R-квадрат		0,654821852			
Стандартная ошибка		1,0285727445			
Наблюдения		12			

Дисперсионный анализ					
	<i>df</i>	<i>SS</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>	<i>Значимость F</i>
Регрессия	1	2,31351E+21	2,31351E+21	21,86760247	0,000872433
Остаток	10	1,05796E+21	1,05796E+20		
Итого	11	3,37147E+21			
	<i>Коэффициенты</i>	<i>Стандартная ошибка</i>	<i>t-статистика</i>	<i>P-Значение</i>	<i>Нижние 95%</i>
Y-пересечение	-160743084	4673864115	-0,034391904	0,973241446	-10574761308
Переменная X 1	190,1804995	40,66917837	4,676280838	0,000872433	99,56392309

1-расм. Корхоналар томонидан тўланган солиқларнинг корхоналар жами харажатларига таъсири*

*Изоҳ: регрессион таҳлил дастуридан кўчирма

Попов Шарқий Европа давлатлари (Чехия, Словакия, Польша, Венгрия) инвестиция жалб этилган корхоналар учун бошқа Европа давлатларига қараганда фойда солиғи ставкасини 2 марта камроқ миқдорда ўрнатиб, бюджет заифлашиши ҳамда инқироз аҳволига тушиб қолишига сабаб бўлганлигини кўрсатиб, солиқларнинг пасайтирилиши инвестицион фаолиқ оширилишига кафолат бўлмаслигини таъкидлаган [11].

Бундан ташқари, АҚШнинг Калифорния, Колорадо, Нью-Жерси, Шимолий Королина ва Техас штатларининг солиқ кредитлари таҳлил қилинганда, асосий имтиёзлар қуёш энергияси станциялари қурилиши учун қиртилган инвестицияларга берилганлиги ва 2017 йилнинг охирига қадар мазкур имтиёзлар 30 фоиздан 10 фоизгача пасайтирилганлигини кузатдик ва мазкур инвестицияларнинг 65 фоизи АҚШ резидентлари ҳисобига тўғри келар экан [12].

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот ишида корхоналарнинг ин-

вестицион фаолигига солиқлар таъсирини аниқлаш мақсадида тўпланган маълумотларга асосан, миқдор ва сифат усуллари-дан, жумладан, регрессион ва корреляцион усуллардан фойдаланилди ҳамда инвестиция иштирокидаги корхоналар раҳбар ва ҳисобчиларидан солиқ билан боғлиқ муносабатлар бўйича сўровлар ўтказилди. Натижада тадқиқот ишида аниқроқ ҳулосалар олишга эришилди.

Тадқиқотда ўтказилган таҳлилларда асосий фаолияти ишлаб чиқариш бўлган ва инвестициялар иштирокидаги 2 та корхона (жадвал) маълумотларига, жумладан, «А» корхонанинг 8 йиллик ва «В» корхонанинг (номлари шартли равишда ўзгартирилган) 4 йиллик маълумотларига асосан, регрессион ва корреляцион усуллардан фойдаланган ҳолда натижалар олинди.

Таҳлил ва натижалар

Тадқиқот ишига доир маълумотлардаги мустақил ва тобе ўзгарувчиларнинг бир-бирига таъсирини ўрганиш мақсадида тўғри қизиқли

регрессион тест моделидан фойдаланилди.

Мазкур тадқиқотда биринчи ҳолатда тобе ўзгарувчи сифатида корхоналарнинг жами харажати, мустақил ўзгарувчи эса корхоналар томонидан тўланган солиқлар суммаси бўлиб, улар 2 та инвестиция иштирокидаги ишлаб чиқариш корхонасига тегишли (жадвал) маълумотлар асосида таҳлил қилинди.

R-кўрсаткичи 82 фоизга ва **R-квадрат** кўрсаткичи 68 фоизга тенглиги ҳамда **F-қиймат** 0.05 дан кичиклигидан келиб чиққан ҳолда чизиқли регрессион тестимиздаги мустақил ўзгарувчи – *x* (корхоналар томонидан тўланган солиқлар)нинг тобе ўзгарувчи – *y* (корхоналарнинг жами харажати)га таъсири юқори эканлиги аниқланди. Яъни солиқлар корхона харажатлари миқдорига анчагина таъсир кўрсатар экан.


Солиқ имтиёзлари ёки солиқ кредитлари ҳисобига корхоналар ихтиёрида маблағлар қоладиган бўлса, бу корхоналарнинг бўш пул маблағлари ошиши ва жамғарма маблағлари шаклланиши, шунингдек, реинвестиция қилишига шароит яратади.

Жами харажат ва тўланган солиқлар суммаси ўртасида корреляцион боғлиқликни

ўрганганимизда, қуйидагилар аниқланди: Корреляция натижаси 0,8283 ни ташкил этди. Яъни корхоналар томонидан тўланадиган солиқлар ва корхоналарнинг жами харажатлари бир-бирига тўғридан-тўғри боғлиқ эканлигини кузатдик. Солиқ тўловларига қилинган харажатлар корхоналарнинг жами харажатларига тўғридан-тўғри кучли таъсир кўрсатиши маълум бўлди.

Шунинг учун мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ ислохотлари жараёнида ҳам айнан солиқ юкини камайтириш ва оптималлаштириш масалаларига кўпроқ эътибор қаратилмоқда. Оптимал солиқ юки самарали ташкил этилган мамлакатда бизнес ва тадбиркорлик ривожланади ҳамда энг муҳими, мамлакатда инвестицион жозибадорлик юқори бўлади.

Республикаимизда бюджетнинг солиқ даромадлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан таҳлил қилинганда, кўрсаткичлар 2010 йилдан 2014 йилгача бўлган даврда 0,20 қийматни, 2015 йилда 0,19 кўрсаткични ва 2016 йилда 18,2 қийматни кўрсатмоқда (3-расм). Мазкур таҳлил натижасида солиқ тушумларининг ЯИМга нисбатан камаётганлигини



3-расм. Солиқлар ва асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбатан кўрсаткичи

Манба: муаллиф томонидан Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

қўришимиз мумкин. Шунингдек, асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотга нисбати 2011 йилдаги 0,23 қийматдан 2016 йилда 0,25 қийматгача ошиб борган. Ушбу кўрсаткичлардан мамлакатимизда асосий капиталга инвестициялар ҳажми ошиб бораётганлигини кузатдик. Бунда солиқ юки даражаси билан инвестициялар ҳажми ўртасида тескари боғлиқлик юзага келган.

Бундан айтишимиз мумкинки, солиқ рағбатлантиришлари кўпайган сари инвестициялар оқими ошмоқда ва бу инвестицион фаолликни оширишда солиқ механизми такомиллаштириб бориш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли фармонида солиқ юкини изчиллик билан камайтириш, солиқ солиш тизимини соддалаштириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш иқтисодиётни жадал ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибдорлигини яхшилашнинг энг муҳим шартлари эканлиги таъкидланган. Шунингдек, фармонда Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясининг асосий йўналишларидан бири сифатида хорижий инвесторлар ва инвестициялар учун қулай режимни сақлаб қолиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ишончли ҳуқуқий ҳимоялаш белгилаб қўйилган. [13]

Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги таҳлиллар ва ўрганишлардан келиб чиқиб, қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Солиқ хизмати органларида инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг алоҳида ҳисобини юритиб, уларга хизмат қиладиган ходимлар тайинлаш ҳамда уларга инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиёти учун долзарб аҳамият касб этишидан келиб чиқиб муносабатда бўлиш. Бунинг натижасида инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг солиқ хизмати томонидан дахлсизлигини таъминлаш;

2. Тадқиқот ишида ўтказилган сўровномаларга корхона ҳисобчилари томонидан билдирилган таклифлар натижасида қўшилган қиймат солиғи ва юридик шахсларнинг фойда солиғини ҳисоблашни соддалаштириш зарур,

деган хулосага келинди. Бундан ташқари, мазкур солиқ турлари бўйича ҳисобот шакллари ни соддалаштириш лозим. Пировардида, корхоналар ҳисобчилари томонидан мазкур солиқ турларини ҳисоблашда йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар камаяди ҳамда инвесторларга зарар етказилишининг олди олинади;

3. Тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларига берилган кенг қамровли имтиёз ва рағбатлантиришларни мамлакат ички инвестицияларига ҳам жорий этиш лозим. Бунинг натижасида аҳоли қўлидаги жамғарма кўринишидаги нақд пул маблағлари ҳам муомалага киради ва бизнеснинг янада тараққий этишига олиб келади. Масалан, Швецияда ички ва ташқи инвестициялар ўртасида тафовут деярли йўқ [14].

Ички инвестицияларни рағбатлантириш мақсадида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

– янги ташкил этилган корхоналарга солиқдан кредитлар бериш;

– жисмоний шахсларнинг инвестиция кiritадиган сумма миқдорича жисмоний шахслар даромад солиғидан озод қилиш.

Бунинг натижасида аҳоли қўлидаги жамғарма сифатида турган бўш пул маблағлари ҳам ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга сифарбар этилади. Пировард натижада, аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларининг инвестицияларга йўналтирилиши рағбатлантирилиб, солиқ тўловчи тадбиркорлик субъектлари сони ошади, солиқ базаси кенгаяди, мамлакатда аҳоли фаровонлигининг янада ошишига хизмат қилади;

5. Таҳлиллариимиз натижасида, Ўзбекистон Республикасида инновацион лойиҳалар асосида жалб қилинган инвестицияларни янада рағбатлантириш лозимлигини таклиф этамиз. Инвестиция қилинган маблағлар ўз фаолияти учун фойдаланадиган энергия тежамкорлиги ҳамда сув истеъмолдан фойдаланишда тежамкор технологиялар жалб этилса, бу каби тадбиркорлик субъектларига ҳам солиқ кредитлари бериш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мисол учун, АҚШда 2016 йилгача қуёш энергиясида ишлайдиган техника-технологиялар қийматининг 30 фоизи, геотермал ускуналарга улар нархининг 10 фоизи миқдоридан, ёқилғи ҳужайрали электр станциялари 500 Ватт минимал ишлаб чиқариш рейтингига эга бўлса, генераторнинг самарадорлиги 30 фоиз-

дан юқори бўлса, тизим билан боғлиқ харажатларнинг 30 фоизи миқдоридан 500 Ватт учун 1500 АҚШ долларидан ошмаган меъёрда солиқ кредитлари берилган. Шунингдек, АҚШнинг Калифорния, Колорадо, Нью-Жерси, Шимоллий Каролина ва Техас штатларининг солиқ кредитлари таҳлил қилинганда, асосий имтиёзлар қуёш энергияси станциялари қурилиши учун киритилган инвестицияларга берилган ва алоҳида таъкидлаш жоизки, юқоридаги инвестицияларнинг 65 фоизи АҚШ резидентлари ҳисобига тўғри келади.

Японияда, асосан, илмий жиҳозларга тезлаштирилган амортизациялаш тизими, чет эл технологияларини харид қилиш учун махсус имтиёзлар, илмий-тадқиқот харажатлари учун махсус чегирмалар кўринишида тақдим этилган. Давлат томонидан инновацион лойиҳалар асосида инвестиция жалб қилган субъектларга солиқ преференциялари ва имтиёзлари берилиши орқали рағбатлантиришни янада кучайтириш лозим. Солиқ имтиёзлари орқали инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш мамлакатдаги инновацион муҳит учун қулай шарт-шароит яратиб беради. Инновацияларни солиқ имтиёзлари ва бошқа рағбатлантириш воситалари орқали қўллаб-қувватлаш мамлакатнинг технологик, ишлаб чиқариш ва хизмат

кўрсатиш йўналишида янада тараққий топишида муҳим роль ўйнайди.

6. Ўтказилган регрессион таҳлил натижаларига кўра, корхоналар томонидан тўланган солиқларнинг харажатларга бевосита ва қаттиқ таъсири кузатиш мумкин. Шунингдек, корреляцион таҳлилда тўланган солиқлар ва харажатлар бир-бирига жуда қаттиқ боғлиқ эканлиги маълум бўлди. Шунинг учун инвестиция иштирокидаги корхоналарга солиқ кредитлари бериладиган бўлса, корхонанинг жорий харажатлари камаяди ва жамғарма маблағлари ҳисобига инвестицион фаоллиги ошишига шариоит яратилади.

7. Норасмий иқтисодий мавжуд бўлган шариоитда инвестицияларга солиқ имтиёзлари бериш кўзланган даражада самара бермайди. Буни Джанков ва Симеонлар ўзларининг 1 йилдан 5 йилгача бўлган даврдаги маълумотлар бўйича 85 та мамлакат мисолида ўтказган тадқиқоти натижасида исботлаб беришган [15].

Бундан ташқари, хуфёна иқтисодий мавжуд бўлган жойда инвесторларнинг келгусида фойда кўриши кафолатланмайди. Шунинг учун ҳам хуфёна иқтисодий бартараф этиб, солиққа тортиш қамрови кенгайтирилсагина имтиёзлар ва рағбатлантиришлар ўзининг кутилган истиқболли натижаларини бериши мумкин.

Манба ва адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида»ги 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594-сонли фармони.
3. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президентининг 2012 йил 4 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-4434-сонли фармони.
4. Surrey S. (1970) «Tax incentives as a device for implementing government policy: a comparison with direct government expenditures». *Harvard Law Review*. 83. – pp. 705-738.
5. Sineviciene L. (2015) «Tax burden and economic development: the case of the European Union countries» // 15th EBES conference – Lisbon proceeding, January 8-10, 2015, Lisbon, Portugal, Vol. 1 / ISCTE IUL Instituto Universitario de Lisboa. Istanbul: EBES. – pp. 631-640.
6. Abuselidze G. (2012). «The influence of optimal tax burden on economic activity and production capacity.» *Intellectual Economics*, 6. – pp. 493-503.
7. Nuta A.C. (2008). «The incidence of public spending on economic growth». *Euro Economica*, 20.

8. Arnold J. (2008) «Do tax structures affect aggregate economic growth?: Empirical evidence from a panel of OECD countries», OECD Economics Department Working Papers. – 643 p.
9. Ramirez A. (2006) «Tax Incentives and Business Investment» *The Review of Economic Studies*, 58(2), 12-6.
10. Тюрина А. (2015) «Налоговые льготы для инвесторов и их эффективность» *Финансы журнал*. 22 (4). – С. 16.
11. Попов В. (2012) «Налоговые инструменты стимулирования инвестиций в инновационное развитие экономики». *Вестник журнал*. 12 (2). – С. 41.
12. Reichelstein V. (2015) «The U.S. Investment Tax Credit for Solar Energy: Alternatives to the Anticipated 2017» *Step-Down Steyer-Taylor Center for Energy Policy and Finance Stanford University*. – 17 p.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида» ги 2018 йил 29 июндаги ПФ-5468-сонли фармони.
14. Blomstrom M., Kokko A. (2003) «The economics of foreign direct investment Incentives» *Stockholm School of Economics*. – 61 p.
15. Djankov, Simeon, Tim Ganser, Caralee Mc Liesh, Rita Ramalho, Andrei Schleifer. (2010) «The Effect of Corporate Taxes on Investment and Entrepreneurship» *American Economic Journal: Macroeconomics* 2(3). – pp. 31-64.

Тақризчи:

Ниязметов И.М., иқтисодиёт фанлари доктори, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси «Солиқлар ва солиқ солиш» кафедраси мудири.